АТБ «Капиталбанк» Ягона филиалида Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларига қўшилиш бўйича
ОММАВИЙ ОФЕРТА

Тошкент ш. **2026 йил «23» июн**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 358, 367 ва 370-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига **амал қилган ҳолда**,

замонавий банк хизматларини кўрсатиш ҳамда жисмоний шахсларга масофавий банк хизматларини кўрсатиш имкониятини тақдим этишда инновацион банк технологияларидан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш **мақсадларида**,

«Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки (бундан кейин «Банк» деб аталувчи), номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи в лице Бошқарув Раиси Маевский К.Л., АТБ “Капиталбанк” Ягона филиалида Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларига қўшилиш бўйича, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ АТБ “Капиталбанк”да ёки АТБ “Капиталбанк”нинг ҳамкорида рақамли идентификациядан ўтган ва мазкур таклифни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига асосан тўлиқ (ҳеч қандай шартлар, истисно ва изоҳотларсиз) қабул қилган (акцептлаган) ҳар қандай муомалага лаёқатли жисмоний шахсга (бундан кейин “Мижоз” деб аталувчи) йўлланган мазкур оммавий таклифни (бундан кейин – “Оферта”) эълон қилади.

I. АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур Офертани бир хил тарзда талқин қилиш мақсадида, қуйида келтирилган атамалар қуйидаги маъноларда қўлланилади::

Амалдаги қонунчилик – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, айнан олганда эса қонунлар, қонуности ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари ва қарорлари (фармойишлари, хатлари), ратификация қилинган халқаро шартнома ва битимлар;

Масофавий банк хизматлари кўрсатиш (МБХ) –Банкнинг ваколатли ходими иштирокисиз МБХ сервисларини ишлатган ҳолда Банк томонидан Мижозга комплекс хизматларни тақдим этиш. Банк офисларида/ Ташкилот орқали идентификациядан ўтиш пайтига қадар - МБХ доирасида Мижозга Банкнинг ички сиёсатларига мос равишда лимитлар ўрнатилади ва қатъий равишда фақатгина қуйидаги банк хизматлари кўрсатилади:

- электрон ҳамёнларни очиш ва бошқариш;
- банк ҳисобварағи, жу жумладан банк картасини очиш ва бошқариш;
- банк карталаридан ёки электрон пул тизимларидан фойдаланган ҳолда трансчегаравий пул ўтказмаларини амалга ошириш;
- онлайн микроқарз олиш;

ШТҲ – Амалдаги қонунчиликка мувофиқ шахсни тасдиқловчи ҳужжат;

Мобил телефон рақами – рақамли идентификациядан ўтиш жараёнида Мижоз томонидан кўрсатилган мобил алоқа телефон рақами. Мазкур Оферта доирасида бир вақтнинг ўзида Мижозда фақатгина битта Мобил телефон рақами бўлиши мумкин;

Бир марталик код – мазкур Офертани акцептлаш учун Банк томонидан шакллантириладиган ва Мобил телефон рақамига хабар сифатида Мижозга юбориладиган махсус код.

Ташкилот –тўлов хизматларини амалга ошириш бўйича Банк билан агентлик (воситачилик) шартномасини тузган ва банк картасини етказиб бериш пайтида Банк номидан Мижознинг юзма-юз Идентификациясини амалга оширувчи ташкилот;

организация, заключившая с Банком агентский договор на оказание платёжных услуг, и осуществляющая очную Идентификацию Клиента от имени Банка в момент доставки банковской карты.

Ҳамкор – Банк билан Ўзаро идентификациялаш шартномасини тузган ташкилот;

Шахсга доир маълумотлар – Амалдаги қонунчиликка мувофиқ МАБда қайд этилган, Мижозга тааллуқли бўлган ва уни идентицикация қилиш имконини берадиган ахборот;

Тариф – Мижозлар – жисмоний шахсларга хизмат кўрсатганлик учун “Капиталбанк” АТБнинг воситачилик хақи Тарифларига мувофиқ банк маҳсулотини тақдим этиш ва унга хизмат кўрсатиш шартлари;

Учинчи шахслар – агар Амалдаги қонунчилик ва Қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Банк ва Мижоздан ташқари барча бошқа шахслар;

МАБ – Ўзбекистон Республикаси электрон ҳукумат тизимининг Марказий ахборот базаси.

1.2. Мазкур Оферта матнида келтирилган бошқа атамалар мазкур Офертанинг ажралмас қисми ҳисобланган Қоидаларда келтирилган маъно билан бир хил ҳисобланади.

1.3. Мазкур Оферта матиндаги атаманинг тўлақонли талқини мавжуд бўлмаган тақдирда Қоидаларда атаманинг, биринчи навбатда - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, иккинчи навбатда – Банкнинг расмий сайтида, ундан кейин – вужудга келган (умумфойдаланишдаги) талқинга риоя этилиши лозим.

II. ОФЕРТА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур Оферта предмети бўлиб, Мижознинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 360-моддасида келтирилган тартибда Қоидаларнинг амалдаги таҳририга мижоз сифатида сўзсиз ва тўлиқ (ҳеч қандай шартлар, изоҳотлар, истиснолар, айиришлар ва эътирозларсиз) қўшилиши ҳисобланади.

2.2. Қоидалар ва Банк Тарифлари Банкнинг Интернет тармоғидаги www.kapitalbank.uz сайтида чоп этилган (эълон қилинган).

III. АВТОРИЗАЦИЯ ВА ОФЕРТА АКЦЕПТИ ТАРТИБИ

3.1. Авторизация мақсадида, Фойдаланувчи Мижозларни рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги Низом (Адлия вазирлигидаги 2021 йил 30 сентябрда 3322-сон билан рўйхатга олинган)га мувофиқ Банкда ёки Ҳамкорда рақамли идентицикациядан ўтади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддасига мувофиқ, мазкур Оферта матнининг Банкнинг Интернет тармоғидаги www.kapitalbank.uz сайтида чоп этилиши мазкур Офертанинг муқаддимасида келтирилган талабларга жавоб берувчи номуайян жисмоний шахслар доирасига йўлланган мазкур Офертани акцептлаш (Қоидаларга қўшилиш) учун оммавий таклифи (оферта) ҳисобланади.

3.3. Тарафлар Мижознинг Банк (мобил иловаси ёки веб-сайти) интерфейсида Банкдан олинган ёки Ҳамкордан олинган бир марталик кодни киритиш ҳолати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ, мазкур Офертани шартлари сўзсиз қабул қилиниши (акцептини) эканлигини тан оладилар.

3.4. Акцептни амалга ошириб, Мижоз қуйидагиларни тасдиқлаган ҳисобланади:

3.4.1. мазкур Оферта, Қоидалар ва Банк Тарифларининг барча шартлари билан танишиб чиққан ва улар қандай баён этилган бўлса шундай, ҳеч қандай шартлар, чекловлар ва изоҳотларсиз уларни қабул қилади;

3.4.2. мазкур Оферта, Қоидалар ва КБХШнинг барча шартлари/талабларига риоя этишга рози ва мажбур;

3.4.3. ҳуқуқий/муомала лаёқатига эга ва ўзининг Банк билан шартномавий муносабатларга киришишга қонуний ҳуқуқини тасдиқлайди;

3.4.4. рақамли идентициядан ўтишда ҳаққоний, амалда бўлган ва тўлиқ маълумотларни кўрсатган;

3.4.5. қуйидагилар билан тўлиқ танишиб чиққан:

- МБХдан фойдаланиш хавфсизлиги бўйича тавсиялар, МБХ доирасида Тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шанингдек МБХнинг бошқа шартлари;
- Қоидаларга қўшилиш туфайли юзага келадиган юридик оқибатлар;
- Банк томонидан Қоидалар ва Банк Тарифларига ўзгартиришлар ва/ёки тўлдиришлар киритилиши тартиби;

3.4.6. ўз шахсга доир маълумотларининг Банк томонидан ишлов берилишига розилигини берди.

3.4.7. рақамли идентификациядан муваффақиятли ўтгандан сўнг ҳамда илгари миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи ва/ёки виртуал Карта очилмаган бўлса, талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини ва/ёки виртуал Картани очишга ўз розилигини берган.

3.5. Ўзбекистон Республикасининг электрон ҳужжат айланишига доир қонунчилигига асосланган ҳолда Тарафлар акцептланган мазкур Офертани қоғоз ташувчи ҳужжатдаги шартнома билан тенглаштирадилар ва бунга розилар, ҳамда у билан бир хил юридик кучга эга эканлигини тасдиқлайдилар.

3.6. Оферта, шунингдек КБХШ доирасида шаклланадиган бошқа ҳужжатлар муҳр билан тасдиқланиши ва/ёки Тарафлар шахсан қўлда имзо қўйишлари шарт эмас, ва бу билан биргаликда ўз юридик кучини тўлиқ сақлайди.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Қоидалар билан белгиланади ва Мижоз томонидан мазкур Оферта акцептланганидан сўнг юзага келади.

4.2. Мижоз Текшириш коди / Бир марталик код ва Банк томонидан МБХ доирасида ахборот тақдим этиладиган алоқа воситалари Учинчи шахслар томонидан фойдаланишига йўл қўймаслик мажбуриятини олади. Мижоз Бир марталик коднинг, шунингдек МБХ доирасида Банкдан олинган ҳар қандай хабар ва маълумотларнинг Учинчи шахсларга берилиши натижасида юзага келган барча оқибатлар (шу жумладан, юзага келган ҳаражатлар, зарар, эътироз ва бошқа салбий оқибатлар) учун тўлиқ жавобгарликка эга. Банк

Бир марталик код ва Банкдан олинган ахборотнинг Учинчи шахслар томонидан рухсатсиз фойдаланиши юзасидан жавобгарликка эга эмас.

4.2.1. Мижозни Аутентификация қилиш воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар Мижоз томонидан шахсан амалга оширилган ҳисобланади ва баҳсга/низога тортилмайди, ва бунга Мижоз ўз розилигини билдиради.

4.3. Банк Мижознинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш жараёнида уларнинг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

V. ОФЕРТАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, УНИНГ ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Оферта у ушбу Офертанинг 3.3 бандида келтирилган тартибда акцептланган санадан бошлаб кучга киради, ва Қоидалар билан, шунингдек Амалдаги қонунчилик билан назарда тутилган асосларда унинг бекор қилинишига қадар амал қилади.

5.2. Мазкур Оферта шартлари ўзгариши тўғрисида Банк Мижозни қўшимчалар ва/ёки ўзгаришларнинг режалаштирилган санасидан камида 10 (ўн) календар куни аввал Мижознинг Шахсий кабинетига Қоидаларда назарда тутилган тартибда электрон шаклда хабарнома юбориш мажбурий жараёнига риоя қилган ҳолда хабардор қилади.

5.3. Банк Мижознинг Шахсий кабинетига чақириб олиш сабабини кўрсатган ҳолда чақириб олиш тўғрисида хабар юбориш орқали, техник, ташкилий, юридик ёки бошқа сабабларга кўра мазкур Офертани исталган пайтда муддатидан аввал номуайян муддатга чақириб олиш ҳуқуқига эга.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Тарафлар мазкур Оферта доирасида ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Қоидаларга мувофиқ жавобгарликка эга.

6.2. Мазкур Оферта билан боғлиқ низолар Тарафлар тарафидан ўзаро музокараларни олиб олиш орқали ҳал қилинади. Низоларни ўзаро музокаралар орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаганда, низолар Қоидаларда назарда тутилган тартибда ҳал қилинади.

VII. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Банк билан Мижоз ўртасида мазкур Офертада назарда тутилмаган муносабатлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Қоидалар билан тартибга солинади.

7.2. Ушбу орқали, Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида” ва “Шахсга доир маъумотлар тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ, Мижоз эркин равишда ва ўз ҳоҳишига биноан, ва ўз манфаатларини кўзлаб, Банкка МБХ ва КБХШ доирасида ўз мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган банк сирини ташкил этувчи ва шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек қонун билан сақланувчи бошқа сирни Учинчи шахсларга тақдим этишига ўз розилигини билдиради.

7.3. Мазкур Офертани акцептлаш орқали Мижоз:

7.3.1. Банкдан МБХ каналлари орқали (Мобил телефон рақамига, Электрон почта манзилиги ва Шахсий кабинетига) хабарномалар юбориш орқали реклама, тижорат ва МБХ бўйича хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни, шу

жумладан Банкнинг янги хизматлари ва Банк ҳамда Учинчи шахсларнинг биргаликдаги маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни олишга ўз розилигини тақдим этади;

7.3.2. қуйидагилардан хабардорлигини ва розилигини билдиради:

- Банкка тақдим этилган (кўрсатилган) ҳар қандай ҳужжатлардаги алоқа маълумотлари Банк томонидан Мижозга МБХ ва КБХШ ижросига тегишли исталган маълумотларни хабар қилиш учун қўлланилишини мумкин. Мижоз Учинчи шахслар томонидан Аутентификация воситаларидан фойдаланишига йўл қўймаслик мажбуриятини ўзига олади;

- Банкка тақдим этилган (кўрсатилган) ҳар қандай ҳужжатлардаги ҳар қандай муҳим ўзгаришлар тўғисида Банкни дарҳол ёзма равишда хабардор қилади;

- Логин, Парол ёки Тасдиқлаш коди билан боғлиқ барча ҳаракатлар, шунингдек Тасдиқлаш ойнасида амалга ошириладиган барча ҳаракатлар Мижоз томонидан шахсан амалга оширилади;

- Қоидалар шартларига мувофиқ ўзига тегишли Мобил телефон рақамини рўйхатдан ўтказиш ва Қоидаларга мос равишда барча зарур маълумотларни унга йўналтириш;

- истеъмол кредити ва офердрафт шаклида кредит, шунингдек микроқарз олиш (шартнома тузиш) ёки кафиллик тақдим этиш ва бошқа шу каби мақсадларда, Банк Мижозга ва/ёки кредитлаш объектига ва/ёки кафилга доир барча зарур маълумотларни (кредит ҳисоботи/ кредит тарихи ва ш.к.) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Кредит ахбороти давлат реестрига, ва/ёки “Кредит-ахборот таҳлилий маркази” Кредит бюроси МЧЖ га ва бошқа ташкилотлар (идоралар, банклар) га/дан юбориш ва/ёки олиш ҳуқуқига эга;

- ҳар қандай ташкилотлардан Шахсга доир маълумотларни олиш ва фойдаланиш.

7.4. Мижоз Банк томонидан телефондаги музокаларнинг аудио-ёзувларини, Банк ҳудудларида видео-ёзувларнинг амалга оширилиши ва кўрсатилган материаллардан низоли вазиятларда далил-исбот тариқасида фойдаланишига ўз розилигини беради.

7.5. Банк ўзида МБХ доирасида операцияларни амалга оширишга лимитлар ўрнатиш, шунингдек банк ва мижознинг хатарларини камайтирувчи бошқа механизмларни амалга ошириш ҳуқуқини қолдиради.

Тарафлар электрон шаклдаги ҳужжатларни, шу жумладан МБХ орқали тўлдириладиган ва тузиладиган ҳужжатларни, оддий ёзма шаклда тузилган ҳужжатлар сингари тан олишга келишиб олдилар.

7.5. Агар мазкур Офертанинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ноқонуний ва/ёки ҳақиқий эмас деб топилса, бундай қоидалар Томонлар ўртасидаги муносабатларда қўлланилмайди ҳамда уларнинг ўрнига Офертада назарда тутилган дастлабки мақсадларга мумкин қадар мос келувчи янги қоидалар қўлланилади. Офертанинг қолган қоидалари тўлиқ юридик кучини ва амал қилишини сақлаб қолади.

7.6. Мазкур Оферта ўзбек тилида ишлаб чиқилган ва эълон қилинган.

VIII. БАНК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

АТБ «Капиталбанк»

Манзил: Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 7. СТИР: 207127843 МФО: 01158

Тел.: +998 78 200-15-15 E-mail: info@kapitalbank.uz

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензия рақами 69, 25.12.2021 йилдан.